



## ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 25<sup>th</sup> November 2022

Online: 26<sup>th</sup> November 2022

## KEY WORDS

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ТРАНСФЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Пўлат ҚОБИЛОВ

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7364270>

## ABSTRACT

*Мутахассисларнинг фикрича, интеллектуал мулк объектларининг тижоратлаштирилиши иқтисодиётнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланиб улгурган.*

Мутахассисларнинг фикрича, интеллектуал мулк объектларининг тижоратлаштирилиши иқтисодиётнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланиб улгурган. Маълумки, 2021 йилнинг 12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда соҳа ривожини учун билдирилган бир қатор масалалар қатори, патент эгалари ва тадқиқотчиларни турли тадбиркорлик субъектлари билан боғлаш, уларни ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон [Фармони](#) билан тасдиқланган «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси»да ҳам илмий фаолият

натижалари, хусусан интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш даражаси пастлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган<sup>2</sup>.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3855-сон қарорига мувофиқ, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган товарларни реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

- тижорат ташкилотларини ташкил этиш, бунда уларнинг таъсисчиларидан бири устав фондига ҳисса сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3887>

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон



технологияни киритган муассаса ҳисобланади;

- интеллектуал мулк объектларига бўлган мулк ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш<sup>3</sup>.

Интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифлари (ҳуқуқ эгалари) ана шу натижаларга нисбатан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади. Ўз навбатида, муаллиф (ҳуқуқ эгаси)га мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат унинг рухсати билан йўл қўйилади. Шунга мувофиқ, интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли.

Мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Лицензия шартномаси бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсатнома беради. Шуниси муҳимки, лицензия

шартномасида тарафалар бериладиган ҳуқуқларни, ундан фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим. Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади.

Лицензия шартномаси лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин:

- интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

- интеллектуал мулк объектидан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

- қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни.

Агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади.

Лицензия қуйида тавсифланганидек мутлақ ёки (оддий) номутлақ бўлиши мумкин:

1. Мутлақ лицензия – бунда фақат ягона лицензиат интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, интеллектуал мулк эгаси эса ундан фойдалана олмайди. Мутлақ лицензияда фақат лицензиат ёки лицензиат ваколат берган шахсгина ихтиродан фойдаланишига рухсат берилади.

2. Номутлақ (оддий) лицензия – мулкдорга интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиш билан бирга, учинчи шахсларга қўшимча лицензиялар тақдим этиш

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.07.2018 й., 07/18/3855/1513-сон



ҳуқуқини ҳам беради. Бунда бир нечта лицензиатлар ва мулкдор интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат лицензия шартномасида назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли. Қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Интеллектуал мулк департаменти интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказди ва тегишли реестрларни юритади<sup>4</sup>. Айнан ушбу йўналишда департамент қуйидаги муҳим функцияларни амалга оширади:

- интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги лицензия шартномалари, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш ва тегишли реестрларни юритиш.

- вазирликнинг расмий нашрлари учун Давлат рўйхатидан ўтган интеллектуал мулк объектлари, муҳофаза ҳужжатларига берилган дубликатлари,

- муҳофаза ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар, муҳофаза ҳужжатларининг амал қилиш муддатини тиклаш ва бекор қилиш; рўйхатдан ўтказилган лицензия ва бошқа шахсга ҳуқуқ бериш тўғрисидаги шартномалари ҳақидаги барча ахборотларни тақдим қилишдан иборат.

- рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномаларига ўзгартириш киритиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуни 11-моддаси, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни 38-моддаси, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуни

30-моддаси, «Интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни 15-моддаси, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасига мувофиқ қуйидаги шартномалар Департаментда рўйхатга олинади:

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига берилган патентни бериш тўғрисидаги шартнома;
- ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғидан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси (сублицензия шартномаси);

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартнома;

- Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.07.2019 й., 09/19/609/3458-сон;



фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси (сублицензия шартномаси).

- рўйхатга олинган электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартнома;

- интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман ўтказиш тўғрисидаги шартнома.

Юқоридаги жараёнлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 8-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда 3359-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи билан тартибга солинади<sup>5</sup>.

Ушбу буйруқ билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ, шартномаларни рўйхатга олиш учун Вазирликка қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) шартномани рўйхатга олиш учун ариза;

б) белгиланган тартибда тасдиқланган шартнома ёки шартномадан кўчирма уч нусхада;

г) мерос қилиб олишлик ҳуқуқи ёки ворислик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат (зарур ҳолларда);

д) вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома;

е) шартномани рўйхатга олиш учун белгиланган миқдордаги патент божи ёки ҳақ тўланганини тасдиқлайдиган ҳужжат ёки патент божи ёки ҳақ тўлашдан озод қилиш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Вазирликка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат давомида керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади. Керакли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ёки шартномани рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар юқоридаги Қоидаларда белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёхуд шартномада бир-бирини истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги аниқланган ҳолларда, ариза топширган шахсга билдиришнома юборилади ва унда билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида мавжуд бўлмаган ва/ёки тўғриланган ҳужжатларни тақдим этиш ва/ёки тақдим этилган шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади. Бунда талабномани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатнинг кечиши етишмаётган ёки тўғриланган ҳужжатлардан охиргиси келиб тушмагунга қадар тўхтатиб турилади. Тақдим этилган ҳужжатлар Қоидаларнинг талабига мувофиқ бўлса,

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/5937039>



бу ҳолда Вазирлик шартномани рўйхатга олади ва шартнома рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни тегишли Давлат реестрига киритади. Бунда аризада кўрсатилган ёзишмалар учун манзилга рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш санаси кўрсатилган шартноманинг иккита нусхаси ва рўйхатга олинганлик тўғрисидаги белги қўйилган муҳофаза хужжати юборилади. Рўйхатга олинган шартноманинг бир нусхаси назорат нусха бўлиб, Вазирликда сақланади.

Шартнома рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Ушбу маълумотлар Вазирлик расмий веб-сайтида қуйидаги ҳажмда жойлаштирилади:

- шартноманинг рўйхатга олинганлик рақами;
- топширилаётган ҳуқуқлар ҳажми;
- шартнома предмети;
- белгиланган шартнома томонлари;
- шартноманинг амал қилиш ҳудуди;
- шартноманинг амал қилиш муддати.

Статистик маълумотларга кўра, Вазирликка интеллектуал мулк объектларини тасарруф этиш билан боғлиқ рўйхатга олинган шартномалар 2020 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига жами 168 та, шундан:

- товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланишни бошқа шахсларга бериш юзасидан 64та лицензия шартномлари ҳамда

рўйхатдан ўтказилган 10та лицензия шартномаларига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қўшимча келишувлар (товар белгисидан фойдаланишни бошқа шахсга бериш юзасидан номутлақ лицензия 54та, мутлақ лицензия 10тани ташкил қилади);

- товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бошқага ўтказиш бўйича 79та;

- селекция ютуғи патентидан фойдаланиш бўйича 5та;

- ихтиро патентини бошқага бериш тўғрисида 5та;

- патентдан фойдаланиш бўйича 1та;

- ЭҲМ дастурга барча мулк хуқуқларни тўлиқ бошқага бериш 2та;

- саноат намунаси патентидан фойдаланиш бўйича 1та, рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ўзгартириш китириш тўғрисида 1та шартномалар рўйхатдан ўтказилган.

Шу жумладан, 2019 йилда патент ҳуқуқи йўналишида (ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси) ҳуқуқларни бериш билан боғлиқ ҳамда лицензия шартномалари сони 26тани ташкил этган. Бу йўналишда Россия Федерациясида 3257та шартнома, Қозоғистон Республикасида эса 32та шартнома рўйхатдан ўтказилган. Шундан кўриниб турибдики, мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва саноати ривожига интеллектуал мулк объектларининг тижоратлаштириш муҳим ўрин тутади.

## References:

1. Юлдашов А., Чориев М. Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1/s. – С. 511-522.



2. Юлдашов А. Интеллектуал мулк бўйича миллий стратегияларнинг аҳамияти ва бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бу борада тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 53-59.
3. Юлдашов А. Географик кўрсаткич тушунчаси ва иқтисодиётни мустаҳкамлашда унинг тутган ўрни //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 249-257.
4. Yuldashov, A. A. "Government policies related to social protection of disabled persons in Uzbekistan: National and international aspects." (2012): 186-191.
5. Abdugopirovich, Yuldashov Abdumumin. "Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System." Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT) 12.4 (2021): 1068-1073.
6. Abdumumin Yuldashov, Sreenivasulu N Shanmuka Raqamli muhitda mualliflik huquqi muhofazasi // Central Asian Academic Journal of Scientific Research. 2022. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/raqamli-muhitda-mualliflik-huquqi-muhofazasi> (дата обращения: 04.09.2022).
7. Юлдашов Абдумумин Важные аспекты международной охраны авторского права и развитие договорно-правовой базы // Review of law sciences. 2020. №Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vazhnye-aspekty-mezhdunarodnoy-ohrany-avtorskogo-prava-i-razvitie-dogovorno-pravovoy-bazy> (дата обращения: 04.09.2022).
8. Абдумумин Юлдашов Ўзбекистонда муаллифлик ва турдosh ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилишининг долзарблиги // Review of law sciences. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-mualliflik-va-turdosh-u-u-larni-buzganlik-uchun-zhavobgarlik-kuchaytirilishining-dolzarbligi> (дата обращения: 04.09.2022).
9. Тўракулова Н., Юлдашов А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришда халқаро шартномаларнинг ўрни ва аҳамияти //Conferencea. – 2022. – С. 467-471.
10. Yuldashov, A., & Usmonov, V. (2022). Copyright Protection in Uzbekistan by The Collective Management Organizations. Miasto Przyszłości, 25, 185–188.
11. ЮЛДАШОВ А. А. Необходимость участия республики узбекистан в международных рейтингах и индексах в области интеллектуальной собственности //Электронный инновационный вестник. – 2021. – №. 1. – С. 18-20.
12. Yuldashov A., Usmonov V. Copyright protection in telecommunications networks: the example of blockchain technology //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 22-29.
13. ЮЛДАШОВ А. Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк, алоқа ва ахборот соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга доир нормаларни такомиллаштириш масалалари //Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 58-64.